

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИГА ДОИР АЙРИМ ХУЖЖАТЛАРНИНГ НАМУНА
ВА ШАКЛЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир сайлов бюллетени намунаси 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир сайлов варақаси намунаси 2-иловага;

Сайлов бюллетенларини топшириш ва қабул қилиш далолатномаси намунаси 3-иловага;

Сайлов варақаларини топшириш ва қабул қилиш далолатномаси намунаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларининг матнлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорига асосан тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақасининг қалинлиги $75 \pm 5\text{г/м}^2$, саккизқиррали юлдуз ичида «Хумо куши» тасвири туширилган сув белгили қоғоз, оппоқлиги камида 70 фоиз бўлган, «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент қоғоз фабрикаси томонидан тайёрланадиган матбаа офсет қоғозидан бир хил рангда босилади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир сайлов варақаси ва сайлов бюллетенининг ҳажми А4 297 x 210 мм дан иборат бўлади;

матбаа ташкилоти сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларининг ярқли эканлигини текширади ҳамда уларни сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларини (*ишончномага асосан*) олиш ваколатига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси масъул ходимига далолатнома асосида топширади. Далолатномада унинг санаси, тузилган вақти, шунингдек топширилётган сайлов бюллетенлари ҳамда сайлов варақаларининг сони кўрсатилади;

буюртмага мувофиқ белгиланган миқдордаги сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари топширилгандан кейин матбаа ташкилоти ходимлари ярқсиз деб топилган ҳамда ортиқча сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси масъул ходими иштирокида дарҳол йўқ қиладилар, бу ҳақда далолатнома тузилиб, ҳозир бўлганлар томонидан имзоланади.

3. Қайд этиб ўтилсинки:

сайлов бюллетенлари сайловга камида йигирма кун қолганида нашр этилади ва тегишли тартибда расмийлаштирилгандан сўнг, округ сайлов комиссиясига юборилади;

участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини округ сайлов комиссияларидан сайловга камида уч кун қолганида олади;

участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатига киритилган сайловчилар сонидан 0,5 фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас;

сайлов бюллетени ва сайлов варақасининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади;

ҳар бир рўйхатга олинган номзод тўғрисидаги маълумотларнинг ўнг томонига бўш квадратлар жойлаштирилади.

4. Округ сайлов комиссияларига участка сайлов комиссияларини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир сайлов варақалари билан 2016 йил 22 ноябргача, сайлов бюллетенлари билан 2016 йил 1 декабргача таъминлаб бериш вазифаси юклатилсин.

Бунда округ сайлов комиссиялари туманлар, шаҳарлар чегараларида истиқомат қилаётган аҳолининг миллий мансублиги тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда сайлов варақалари ва сайлов бюллетенларини тегишли тиллар бўйича тақсимласинлар.

5. Сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларини чоп этиш бўйича тақсимот (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига асосан) 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2007 йил 18 сентябрдаги 321-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир ҳужжатларнинг намуна ва шакллари тўғрисида»ги қарорининг 1–5, 7, 10–18-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби С. Қурбанкулов зиммасига юклансин.

Раис

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент ш.,
2016 йил 3 октябрь,
745-сон*

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
2016 йил 3 октябрдаги 745-сон қарорига
1-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИГА ДОИР САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

(ИМЗО)

(ИМЗО)

сайлов санаси

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва иш жойи кўрсатилган ҳолда алифбо тартибда киритилган	Ўзингиз ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонида жойлашган бўш квадратга белги-крестик (+) қўйинг
НАМУНА	

- Ўзингиз ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонида жойлашган бўш квадратга белги-крестик (+) қўйинг;
- Овоз бериш вақтида биттадан ортиқ квадратга белги-крестик (+) қўйилган ёки битта ҳам квадратга белги қўйилмаган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
2016 йил 3 октябрдаги 745-сон қарорига
2-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИГА ДОИР САЙЛОВ ВАРАҚАСИ

(ИМЗО)

(ИМЗО)

_____ сайлов санаси

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва иш жойи кўрсатилган ҳолда алифбо тартибда киритилган	Ўзингиз ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонида жойлашган бўш квадратга белги-крестик (+) қўйинг
НАМУНА	

- Ўзингиз ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонида жойлашган бўш квадратга белги-крестик (+) қўйинг;
- Овоз бериш вақтида биттадан ортиқ квадратга белги-крестик (+) қўйилган ёки битта ҳам квадратга белги қўйилмаган сайлов varaқаси ҳақиқий эмас деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг 2016 йил 3 октябрдаги
745-сон қарорига
3-ИЛОВА

**САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНЛАРИНИ ТОПШИРИШ
ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

_____ « » _____
(йил кун ой) (манзил)

_____ округ сайлов комиссияси _____ участка
(округ сайлов комиссиясининг сони ва номи)
сайлов комиссиясига _____ дона сайлов бюллетенларини топширди.

Сайлов бюллетенларини топширдим:

_____ **округ сайлов комиссияси раиси,**
(округ сайлов комиссиясининг сони ва номи)
раис ўринбосари, котиби _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Сайлов бюллетенларини қабул қилдим: _____
участка сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосари, котиби _____

(имзо) (Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг 2016 йил 3 октябрдаги
745-сон қарорига
4-ИЛОВА

**САЙЛОВ ВАРАҚАЛАРИНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ
ҚИЛИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

_____ «_____» _____
(йил кун ой) (манзил)

_____ округ сайлов комиссияси _____ участка
(округ сайлов комиссиясининг сони ва номи)
сайлов комиссиясига _____ донда сайлов варақаларини топширди.

Сайлов варақаларини топширдим:

_____ округ сайлов комиссияси раиси,
(округ сайлов комиссиясининг сони ва номи)
раис ўринбосари, котиби _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Сайлов варақаларини қабул қилдим:

_____ участка сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосари, котиби

(имзо) (Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг 2016 йил 3 октябрдаги
745-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларини чоп этиш бўйича
ТАҚСИМОТ**

Худудлар	Сайлов-чилар сони	Ўзбек тилида (Сони, фоизи)	Қорақалпоқ тилида (Сони, фоизи)	Рус тилида (Сони, фоизи)
Қорақалпоғистон Республикаси	1 188 763	726 239 (61,1%)	466 104 (37%)	22574 (1,9%)
Андижон вилояти	1 984 247	1 936 494 (97,6%)	–	47638 (2,4%)
Бухоро вилояти	1 265 163	1 219 620 (96,4%)	–	44784 (3,5%)
Жиззах вилояти	844 309	815 990 (96,6%)	–	28204 (3,3%)
Навоий вилояти	641 380	596 619 (93%)	–	29725 (4,6%)
Наманган вилояти	1 771 067	1 747 999 (98,7%)	–	22963 (1,3%)
Самарқанд вилояти	2 373 738	2 264 487 (95,4%)	–	108 583 (4,6%)
Сирдарё вилояти	529 810	483 224 (91,2%)	–	46500 (8,8%)
Сурхондарё вилояти	1 581 214	1 550 815 (98,1%)	–	30289 (1,9%)
Тошкент вилояти	1 943 289	1 689 858 (87%)	–	250 796 (12,9%)
Фарғона вилояти	2 417 891	2 349 136 (97,2%)	–	68089 (2,8%)
Хоразм вилояти	1 167 263	1 153 275 (98,8%)	–	12891 (1,1%)
Қашқадарё вилояти	1 984 042	1 942 580 (97,9%)	–	41349 (2,1%)
Тошкент шаҳри	1 742 833	1 185 335 (68,0%)	–	552 849 (31,7%)
Республика бўйича:	21 435 009	19 661 671 (91,7%)	466 104 (2,2%)	1 307 234 (6,1%)

И з о ҳ:

1. Мазкур таксимот тегишли ҳудудларда яшовчи аҳолининг миллий таркиби ва сўзлашадиган тилини инобатга олиб ишлаб чиқилган:

- *ўзбек тилида* чоп этиладиган сайлов бюллетенлари – ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ, туркман миллатлари вакиллари учун;
- *рус тилида* чоп этиладиган сайлов бюллетенлари – рус, украин, белорусь, корейс, татар, озарбайжон ва бошқа миллат вакиллари учун;
- *қорақалпоқ тилида* чоп этиладиган сайлов бюллетенлари – қорақалпоқ миллати вакиллари учун.

Сайловчилар овоз бериш жараёнида ўз хохишларига кўра ўзларига маъқул тилдаги сайлов бюллетенларидан фойдаланишлари мумкин.

2. Округ сайлов комиссиялари чоп этилган сайлов бюллетенлари ва варақаларини сайлов участкаларига тегишли ҳудудда истикомат қилувчи сайловчиларнинг миллатини инобатга олган ҳолда (Давлат статистика қўмитасининг маълумотиغا асосан) таксимлаб етказиб беришлари лозим.

3. Сайлов варақаларининг, шунингдек рўйхатга киритилган сайловчилар сонидан ортиқча чоп этиладиган сайлов бюллетенларининг тиллар бўйича таксимоти мазкур жадвалда кўрсатилган фоизларга мутаносиб равишда амалга оширилади.